



Ислом Нури

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло акса урганни яхши кўради, эснаганни ёқтирмайди. Сизлардан бирортангиз акса урса ва Аллоҳга ҳамд айтса, уни эшитган ҳар бир мусулмон: «Ярҳамукаллоҳ» дейиши лозим бўлади. Эснаш эса шайтондандир. Сизлардан бирортангиз эснак келганда имкони борича уни қайтарсин. Чунки сизлардан бирингиз эснаса, шайтон унинг устидан кулади». Бир ривоятда: «Сизлардан бирингиз (эснаб) «А-а-а-ҳҳ» деса шайтон ундан кулади» (Муттафақун алайҳ).

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирингиз эснаса, оғзига қўлини қўйсин. Чунки шайтон кириб олади» (Имом Муслим ва Абу Довуд ривоятлари).

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирингиз эснаса, оғзига қўлини қўйсин. Чунки шайтон кириб олади» (Имом Муслим ва Абу Довуд ривоятлари).



Ислом Нури

Шарх:

Эснаш ялқовлик ва ланжлик натижасида келади. У шайтондандир. Муслмон киши имкони борича уни қайтаришга уриниши керак, чунки шундай қилса шайтонни ғазаблантирган бўлади. Эснаб: «ҳо-о-ъ» деб овоз чиқарса, шайтон хурсанд бўлиб кулади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Аллоҳ таоло эснашни ёқтирмайди, чунки эснак ялқовлик ва ҳафсаласизликдан келиб чиқади;
2. Эснакни қайтариш ва яшириш керак;
3. Эснаганда қўлни оғизга қўйиш мустаҳаб;
4. Овоз чиқариб эснаш макруҳ.